

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳаларида бўлгани каби, банк-молия тизимида ҳам ижобий ютуқларга эришилаётир. Сабаби, Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ушбу йўналишда изчил амалга ошириб келинаётган ислохотлар ўз мевасини бермоқда. Айниқса, Президентимиз томонидан мазкур тармоқни ривожлантириш мақсадида қабул қилинган бир қатор Фармон ва қарорлар, бу ҳужжатларда мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда банклар асосий бўғин ҳисобланиши ҳақида билдирилган фикрлар соҳада туб бурилиш ясамоқда. Давлат-тижорат Халқ банки жамоасининг жорий йилнинг ўтган даврида эришган натижалари бунинг исботидир. Гап шундаки, мазкур жамоа мамлакат иқтисодиётида ислохотларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, Инқирозга қарши чоралар дастурининг бажарилишини таъминлаш, шунингдек, пул муомаласини барқарорлаштириш ҳамда мижозларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Унинг активлари 237,0 млрд. сўмга ёки 126 фоизга ортиб, жами 1147,1 млрд. сўмга етгани шундан далолат беради.

жамияти ташкил этилди. Бундан ташқари, пиллачиликни ривожлантириш ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, пиллачилик корхоналарини молиявий соғломлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тартибига асосан, "Инвест Пилла" МЧЖ билан тумандаги 177 та фермер хўжалиги ўртасида 2010 йилда 198,5 тонна пилла этиштириш юзасидан контрактация шартномалари ҳам тузилди. Пировардида бу ерда 20 дан ортиқ киши иш билан таъминланди. Шу билан бирга, банк маблағлари ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларига ҳам йўналтириляпти. Хусусан, ўтган давр мобайнида маиший хизмат кўрсатиш тармоғига

дида йил бошидан буён 63,5 млрд. сўм миқдорига кредитлар ажратилиб, 1 июнь ҳолатига берилган кредитларнинг 7,7 млрд. сўми саноат, 14,6 млрд. сўми қишлоқ хўжалиги, 14,4 млрд. сўми савдо, 5,9 млрд. сўми қурилиш, 5,3 млрд. сўми маиший хизмат ҳамда 10,1 млрд. сўми иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига жалб этилди. Молия муассасаси томонидан, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ишбилармонларга жорий йилнинг ўтган даврида 10,3 млрд. сўмлик кредитлар берилгани эътиборга моликдир.



Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2009 йил 28 июлдаги "Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, айниқса, Халқ банки фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Негаки, мазкур қарор ижроси юзасидан олиб борилган ишлар натижасида 2010 йилнинг 1 июнига келиб, банк кредит портфели ҳажми йил бошидагига нисбатан 144,7 млрд. сўмга ёки 1,3 баробарга кўпайиб, 564,7 млрд. сўмни ташкил этди. Жорий йилнинг ўтган даврида 232,3 млрд. сўмлик кредит ажратилгани, ушбу маблағнинг 62,9 млрд. сўми инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилгани ҳам диққатга сазовордир.



Халқ банки: МИЖОЗ ИШОНЧИ — ЮТУҚЛАР КАФОЛАТИ

ниясига Халқ банки Марказий амалиётлар филиалининг мижозидир. Банк томонидан 2010 йил давомида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг 5 та лойиҳасига 10 миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ажратилди. Мазкур кредит эвазига компаниянинг "Қуюв механика заводи" ҳаракатдаги ремонт базасини ривожлантириш, "Локомотив" спорт базасини қайта таъмирлаш каби қатор қурилиш объектлари молиялаштирилди.

Банк жамоаси яқинда яна бир хайрли ишга қўл урди: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ ташкил этилган Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссиясининг 2009 йил ноябрдаги йиғилишида давлат-тижорат Халқ банкининг "Навбахор" филиали мижози бўлган, айни пайтда касодга учраган Навбахор тумани "Пиллачи" шўъба корхонасини Халқ банкига тугатиш қийматида сотиб олиш белгиланган эди. Барча тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг банк бошқарувининг 2009 йил 5 декабрдаги қарорига асосан, Навбахор тумани "Пиллачи" шўъба корхонасининг банк балансида қабул қилинган мол-мулкларини негизда устав фонди 723,2 миллион сўмдан иборат бўлган янги "Инвест Пилла" масъулияти чекланган

6,6 млрд. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга 33,1 млрд. сўм, маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 25,7 млрд. сўм

Бундан ташқари, маҳаллий ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида кичик бизнес вакилларига 11,8 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиши ҳам бу йўналишдаги ишларни жадаллаштиришга ёрдам берди.

лойиҳага қўл урди. Давлат-тижорат Халқ банки ва Германия Жамғарма кассалари фонди ўртасида тузилган қўшма ҳамкорлик лойиҳасига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси филиаллари томонидан фаолияти-


Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан банк филиалларида самарали иш олиб борилганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 минг 360 нафар оилага жами 13,3 млрд. сўмлик микрокредитлар берилгани бунинг тасдиғидир.

шумларининг банк кассаларига ўз вақтида ва тўлиқ топширилишини таъминламоқда. Натижада ўтган давр ичида банк кассаларига жами 1171 млрд. сўм маблағ кирим қилинди. Аниқроғи, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 399,7 млрд. сўмга ортиб, шу жумладан, жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, савдо тушумлари 188,3 млрд. сўмга кўпайиб, 658,2 млрд. сўмни, коммунал тўловлар ҳажми 15,8 млрд. сўмга ортиб, 87,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Савобга сарфланган сармоя

Биласиз, ҳозирги кунда ишлаб чиқаришни замонавий техника ва ускуналарсиз тасаввур қилиш мушкул. Шу боис банк иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш мақсадида инвестицияларни жалб этиш борасида ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. Ва айни чоғда унинг жойлардаги филиаллари инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришда асосий эътиборни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари талабларига ва ушбу ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган манзилли Дастурлардаги лойиҳаларга қаратади.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компа-



микдорига кредитлар ажратилди.

Кредитлар — эл фаровонлиги учун

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани туфайли ҳозирда улар иқтисодиётимизнинг етакчи таянч қучига айланиб улгурди. Бунда молия муассасаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Жумладан, Халқ банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақса-

Тадбиркор аёллар — яратувчилик рамзи

Бугунги аёл нафақат ҳонадонимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик билан мунавар қилувчи зот, балки оиламизга фойда юз баракка киритадиган, юртни одаб этиб, элнинг фаровон турмуш кечиришига улкан ҳисса қўшувчи тадбиркор ҳамдир. Республикада хотин-қизларнинг оилада, жамиятдаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизimini такомиллаштиришга доир кўплаб Фармон ва қарорлар, дастурлар мавжуд. Уларда аёлларимизнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишда фаол иштирок этиши учун етарли даражада шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган.

Халқ банки томонидан хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар, уларнинг тадбиркорлик салоҳиятларини юзага чиқариш борасидаги чора-тадбирлар айни шу мақсадлар рўйи-га қаратилгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, молия муассасаси ўтган вақт мобайнида тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга доир 9,7 млрд. сўмлик бизнес-лойиҳани молиялаштириш бунга мисол бўла олади.

Банк жамоаси яқинда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун яна бир хайрли ва истиқболли

ни янгидан бошлаётган тадбиркор аёлларга, яъни аёллар раҳбарлигидаги тадбиркорлик субъектларига, жумладан, оилавий тадбиркорлик ҳамда микрофирмаларга энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача, кичик корхоналарга эса энг кам иш ҳақининг 300 бараваригача миқдорда микрокредитлар ажратилиш кўзда тутилган эди. Ана шундай тадбиркор аёлларга жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 60 миллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари берилди. Бу эзгу ишлар йил охирига қадар давом эттирилади.

Банк аҳли Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросига ҳам алоҳида эътибор билан қарамоқда. Натижада ўтган давр мобайнида банк филиаллари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш учун 2 минг 297 нафар фуқарога 3,3 млрд. сўмлик (шундан меҳнат билан бандлик маблағлари 125,0 млн. сўм) микрокредит ажратилди. Шунингдек, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2 минг 182 нафар фуқарога 3,1 млрд. сўмликдан зиёд микрокредитлар берилиши эвазига 17 минг 606 та янги иш ўрни яратилди.

Ҳисобини билганининг ҳамёни бутун

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш, табиийки, кўплаб омилларга боғлиқ. Жумладан, пул муомаласини барқарорлаштириш, солиқ-бюджет сиёсати ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда бу жараёнларни мунтазам назорат этиб бориш зарур. Зеро, ҳисобини билганининг ҳамёни бутундир. Бундай вазифаларни амалга оширишда Президентимизнинг 2005 йил 15 апрелдаги "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2005 йил 5 августдаги "Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда 2008 йил 27 мартдаги "Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари дастуриламал вазифасини ўтаётир. Мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пулларнинг кечиктирмай ва узлуксиз тўловларини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда нақд пул тушумига эга бўлган чакана савдо, умумий овқатланиш ва бошқа хўжалик субъектларида савдо қоидаларига риоя этилиши, аҳоли билан нақд пулда ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналаридан белгиланган тартибда фойдаланиш қатъий назоратга олиниши шулар сирасига қиради. Бу, ўз навбатида, савдо ту-

Мулкни асраш масъулияти

Омонат — кимнингдир мулки. Уни асрашнинг масъулияти катта. Бу масъулият аҳоли омонатларини жалб этиш, уларни ҳар томонлама кафолатлаш билан шуғулланувчи молия муассасалари фаолиятида, айниқса, муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори Халқ банки жамоаси учун кундалик иш мезонига айланди ҳамда келажакдаги фаолият дастурини белгилаб берди. Бу дастурга мувофиқ, 2010 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида 50 млрд. сўмлик депозит сертификатларининг 35,5 млрд. сўми юридик шахслар ўртасида жойлаштирилди. Шунингдек, 10 млрд. сўмга тенг бўлган жисмоний шахс депозит сертификатлари муомаласига чиқарилди.

Ушбу тадбирлар натижасида банк ресурс базаси йил бошидагига нисбатан 81,3 млрд. сўмга ортиб, 958,3 млрд. сўмни ташкил этди. Бугунги кунда аҳолига 31 мундатли, жамғарилувчи ва ютуқли омонат тури тақдим қилинган бўлиб, депозитларга аҳоли бўш пул маблағларини жалб этиш, омонатчилар учун қулай ва манфаатли шартларга асосланган янги омонат турларини яратиш ишлари янада фаоллаштирилмоқда.

(Давоми 4-бетда.)



Спорт • Sport • Спорт

Равшан Эрматов — илк учрашув ҳаками

Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси (ФИФА) ҳамюртимиз Равшан Эрматовни Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг биринчи учрашуви — ЖАР ва Мексика ўртасидаги ўйинга бош ҳакам этиб тайинлади.

Бу хушxabар барча юртдошларимиз кўнглига олам-олам кувонч бағишлади.

Ҳакамлик фаолиятини 2003 йилда бошлаган Равшан Эрматов тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасини бошқарадиган ўзбекистонлик илк ҳакам бўлди. Хабарингиз бор, Эрматов 2008 ва 2009 йилларда Осейннинг энг яхши ҳаками унвонини кўлга киритган.

Жаҳон чемпионатида Равшан Эрматовга юртдошимиз Рафаэл Илбосов ва киргизистонлик Баҳодир Кўчқоров ёрдам беради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Равшан Эрматов МДХ ва Болтиқбўйидан жаҳон чемпионатидаги йўл олган ягона бош ҳакам ҳисобланади.

13-14 июнь кунлари футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионати Олий лигасида биринчи давра ўйинлари аяқланади.

ҒАЛАБА НАШИДАСИ ВА МАҒЛУБИЯТ АЛАМИ

Ўтган дам олиш кунлари эса жамоалар ўн иккинчи тур учрашувларида майдонга тушдилар. Унда куйидаги натижалар қайд этилди: "Нефтчи" — "Шўртан" 0:2, "Локомотив" — "Металлург" 1:0, "Кизилқум" — "Хоразм" 1:0, "Насаф" — "Пахтакор" 1:1, "Бунёдкор" — "Машъал" 3:0, "Динамо" — "Олмалик" 4:2, "Навбахор" — "Андижон" 2:0.

Ушбу турдан сўнг бир неча hafta давомидида "Пахтакор" билан биринчи ўринни бўлишиб турган "Бунёдкор" яна пешқадамликни кўлга олди. Бразилиялик тажрибали мутахассис Луис Фелипе Сколари ўрнини эгаллаган Миржалол Қосимов жамоаси қаторасига икми ўйинда йирик ҳисобда зафар қўчишга муваффақ бўлди.

"Пахтакорчи"лар Қаршидаги ўйиннинг иккинчи бўлимида бир ўйинчи кам бўлиб ҳаракат қилишган бўлишса-да, мағлубиятдан қутулиб қолишди.

Айни пайтда турнир жадалининг учинчи погонасини эгаллаб турган "Насаф" жамоаси жорий мавсумда олтин медаллар учун кураш олиб боришни мақсад қилиб қўйган. Виктор Кумиков шоғирдлари бунинг учун дастлаб 25 июнь куни "Бунёд-

Table with 7 columns: Team, Ю, Д, М, Т-Н, О. Lists results for various teams like Бунёдкор, Пахтакор, Насаф, etc.


З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

(Давоми. Боши 3-бетда).

Бундан ташқари, нақд пул маблағларини банка жалб этиш орқали уларнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш учун давлат-тижорат Халқ банкининг 6 млрд. сўм миқдоридида пул-буюм ютуқли, тиражли "Омад" лотереяси соғувга чиқарилди.

Маълумки, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини узоқ муддатли банк депозитларига жалб этишни жонлантириш ҳар бир молия муассасасининг бирламчи вазифасидир.

Ҳамкорлик самараси. Молия муассасаси нақд пул маблағларидан самарали фойдаланиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш йўлида ҳам диққатга сазовор ишларни олиб бориш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди.



"Кўклам-2", "Соврин плюс капитал", "Саёҳат-2", "Наврўзи олам", "Омад кувончи", "Мўъжиза", "Умид" ва "Жамғарма" каби омонат турлари амалиётга татиб қилинди.

Ана шу тадбирлар натижасида аҳоли депозитлари қолдиғи йил бошидагига нис-

батан 42,9 млрд. сўмга кўпайиб, жорий йил ўтган даврига 509,2 млрд. сўмини ташкил қилди.

Ҳамкорлик самараси

Молия муассасаси нақд пул маблағларидан самарали фойдаланиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривож-

лантириш йўналишида амалга оширилган тадбирлар туфайли 2010 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, эмиссия қилинган пластик карточкалар сони 608,7 мингтага етказилди.



Халқ банки: МИЖОЗ ИШОНЧИ — ЮТУҚЛАР КАФОЛАТИ

китобларни амалга ошириш учун эса жойларда 7235 та терминал ўрнатилди. Хозир-

мунтазам ишлаб турибди. Шу билан бирга, пластик карточкаларга



да мазкур мосламаларнинг 445 таси банк муассасасида, 6790 таси эса савдо ва маиший хизмат ҳамда умумий овқатланиш шохобчаларида

маблағларни юклаш ҳамда савдо ташкилотларининг карточкаларини инкассация қилиш учун жойларда 345 та ридер ўрнатилди.

Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, республикамиз бўйича 578 та ташкилотнинг 105,7 минг нафар ходимга иш ҳақи банкнинг пластик карточкалари орқали тўланмоқда.

қулайликлар яратиш мақсадида жойларда "Инфокиоск" ва банкомат фаолияти йўлга қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, Халқ банки ўзининг маблағ ва хизматлари орқали миқозларга тобора яқинлашиб, уларга тезкор ва самарали банк хизматлари кўрсатиш пайдидан бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил

28 июндаги "Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари талабларининг ба-жарилиши бўйича ҳам банк бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Одатда, кишиларнинг оғирини енгил, мушкулни осон этиш, энг муҳими, уларнинг ишончини қозониш учун ҳар қим, аввало, ўзига ишониши, ўз қуч-қудрати ва салоҳиятини тўғри чамалай билиши керак.

Халқ банки жамоаси бундан буён ҳам аҳолининг тизимга бўлган ишончини янада ошириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодийнинг истиқболли тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнини молиялаштиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириверади.

А. БОЛИЕВ. [

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ

истиклол йилларида эъзоз топди ва эътирофга сазовор бўлди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, қандакорлик устасдан кунг, сабр-тоқат ва катта меҳнат талаб қилади. Муҳими, усталар ўз ҳунарларини ёшларга ҳам ўргатиша-япти.

Кувонарлиси, айни пайтда вилоятда қадимий ҳунар турларини ривожлантиришга ҳисса қўшиб келаётган Шавкат Фуломов сингари мохир уста-ҳунармандлар кўп. Улар томонидан яратилаётган санъат асарлари даражасидаги ижод намуналари нафақат юртимиз, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги музей ва кўргазма залларига ўзгача зеб бериб турибди.

Айтиш мумкинки, қандакорларнинг бу каби муваффақиятлари мамлакатимизда ҳунар эгалари меҳнати ҳар томонлама эъзоз ва эътибор топаётганлигидан далolat-дир.

И. ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for Ipoteka-Bank. Includes text: «ИПОТЕКА-БАНК», АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ, бинога кириш-чиқарини назорат қилиш учун турникет тизимини таъмирлаш ва техник қузатув олиб бориш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Advertisement for Ob-Khavo. Includes text: ОБ-ҲАВО (8 июнь), Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти, Хаво ўзғариб туради, ёгингарчилик бўлмайд.

Advertisement for 'Халқ сўзи' featuring 'Народное слово' and 'МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши...'.

Advertisement for Boz Muxarrir Utkir Raxmatov. Includes text: Бош мухarrир Ўткир РАҲМАТОВ, 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган.

Advertisement for Manzilimiz. Includes text: МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.